



ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАР НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖИНОЯТ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Холматов Баҳром Уктамович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактабининг тингловчиси
xolmatov86@internet.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7722481>

ARTICLE INFO

Received: 02nd March 2023

Accepted: 10th March 2023

Online: 11th March 2023

KEY WORDS

Озодлик, айбдор, ахлоқан
тузатиш, маҳрум қилиш,
боғлиқ бўлмаган, жазо,
жиноят, жарима, ижтимоий
хавфлилик, қонун нормалар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар назарда тутилган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида жиноят қонунчилиги доирасидан четга чиқувчи қатор вазифалар қатори озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгайтириш юзасидан фикрлар ҳам таҳлил этилган.

Бизга маълумки, ҳар қандай мавзуни тўлиқ таҳлил қилиш, унинг тарихий жиҳатларига эътибор қаратишни талаб этади. Мавзунинг тарихий жиҳатларини ўрганиш бизга ушбу соҳа тўғрисида муфассал тасаввурга эга бўлиш, келажакда ушбу соҳани ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқишда муҳим тажриба вазифасини бажаради.

Маълумки, мамлакатимизда узоқ давр мобайнида шариат қоидалари амалда бўлган ҳамда жиноят ва жазо масалалари айнан шариат қоидалари бўйича тартибга солинган. Араб ҳуқуқшунос олими Муҳаммад ал-Фаделнинг қайд этишича, “жазо – жиноят содир этган кишига қонун томонидан белгиланган азобдир”¹.

Таъкидлаш лозимки, мусулмон жиноят ҳуқуқи масалалари билан шуғулланган ҳозирги замон ҳуқуқшунос олимлари шариатда жазо турларини бир нечта гуруҳга бўлиб, турлича фикр билдиришган. Жумладан, М.И.Садагдар мусулмон ҳуқуқида жазо алоҳида хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги турларга: қасос – ўч олиш; дия – товон ҳақи; ўлим жазоси, тошбўрон қилиш, қўл-оёғини кесиш, савалаш, дарра уриш, сургун ва бадарға, мол-мулкни мусодара қилиш ва бошқалардан иборатдир², деб кўрсатган бўлса, Г.М.Керимов шариатдаги барча жазолар асосан тўрт турга:

- 1) бир хилда ўч олиш;
- 2) товон ёки жарима;
- 3) қиёс (аналогия) асосида қонун билан белгиланган жазо;

¹ Муҳаммад ал-Фадел. Жиноят ҳуқуқининг умумий асослари. – Дамашқ, 1964. – Б. 521.

² Садагдар М.И. Основные черты мусулманского права и его развитие в Иране по шиитскому направлению. Автореф... дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н. – М., 1963. – С. 17.



4) шариат судьяларининг ихтиёрига кўра бериладиган жазоларга бўлинган³.

М.Ражабованинг қайд этишича, мусулмон ҳуқуқи бўйича барча жиноятлар жазо белгиланиши ва тажовуз объектига қараб учта гуруҳга ажратилган:

- 1) ҳад жазо турлари;
- 2) қасос ёки тоvon ва каффорот жазо турлари;
- 3) таъзир жазо турлари⁴.

Ҳад жазо турида бугунги кундаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазосига нисбатан оладиган бўлсак, дарра уриш, қўл ёки оёғини кесиш каби муқобил жазо турлари мавжуд бўлган. Мусулмон жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, шахсга тан жароҳати етказилганлиги учун “жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш” тарзида қасос олинган. Шунингдек, таъзир жазо гуруҳида 3 даррадан 39 даррагача уриш, огоҳлантириш, жамоат иззаси, жарима, салла ўраб юриш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби муқобил жазолар назарда тутилган. Шариатда тоvon ҳақи жазоси кенг тарқалган жазолардан бўлган. Ҳозирги кунда ҳам жазонинг тоvon ҳақи туридан шариат қонун-қоидалари ҳукмрон бўлган Саудия Арабистони, Уммон, Яман ХДРларда бошқа жазо турлари каби самарали фойдаланиб келинмоқда.

Мамлакатимиз ҳудуди XIX асрнинг охирида Чор Россияси томонидан мустамлакага айлантирилгандан сўнг, мазкур ҳудудда дастлаб Чор Россиясининг қонун қоидалари ва шариат қоидалари биргаликда амалда бўлиб турди. 1922 йилда СССРда янги жиноят қонунчилиги ишлаб чиқилгандан сўнг, 1926 йилда Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖК қабул қилинган. Мазкур кодексда қуйидаги жазо чоралари назарда тутилган:

- 1) халқ душмани деб эълон қилиш ва СССР ҳудудидан бутунлай бадарға қилиш;
- 2) қаттиқ режим билан озодликдан маҳрум қилиш;
- 3) қаттиқ режимсиз озодликдан маҳрум қилиш;
- 4) озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишлари;
- 5) муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш;
- 6) муайян муддатга СССР ҳудудидан чиқариш;
- 7) Ўзбекистон ССР ҳудудидан чиқариш;
- 8) мансабдан четлатиш;
- 9) муайян мансабда бўлишни тақиқлаш;
- 10) жамоат иззаси;
- 11) мол-мулкни мусодара қилиш;
- 12) жарима;
- 13) огоҳлантириш⁵.

1959 йилда Ўзбекистон ССРнинг янги ЖК қабул қилинди ҳамда мазкур кодекси 1960 йил 1 январдан кучга кирган. Ушбу ЖКнинг 21-моддасида қуйидаги жазо турлари назарда тутилган:

- 1) озодликдан маҳрум қилиш;
- 2) сургун;

³ Керимов Г.М. Шариат и его социальная сущность. – М.: Наука, 1978. – С. 41

⁴ Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Монография. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б. 84.

⁵ Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: Юрид. изд. НКЮ УзССР, 1926. – С. 6.



- 3) бадарға қилиш;
- 4) озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш иши;
- 5) муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иши билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- 6) жарима;
- 7) лавозимдан озод этиш;
- 8) жамоат иззаси;
- 9) фавқулодда жазо тури сифатида ўлим жазоси;
- 10) мол-мулкни мусодара қилиш;
- 11) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;
- 12) интизомий батальонга юбориш⁶.

Қайд этиш лозимки, собиқ Иттифоқ даврида озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазо турлари кўпроқ бўлгани ҳолда, мазкур жазолар орасида инсон қадр-қимматини камситувчи ва жиноят қонунинг бошқа талабларига мувофиқ келмайдиган жазолар кўзда тутилган эди. Ваҳоланки, мазкур ЖКда ҳам “жазолаш одамга жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситишни мақсад қилиб қўймайди” (21-модда), деб белгиланган эди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг, бутун ҳуқуқий тизим, шу жумладан жиноят қонунчилиги ҳам қайта кўриб чиқилди ҳамда 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг ЖК қабул қилинган. Мазкур кодексда жиноий жазо тизими қайта кўриб чиқилди ҳамда жиноий жазоларнинг инсон қадр-қимматини камситувчи, ҳақ-ҳуқуқларини бошқача тарзда бузадиган, шунингдек кодексда илк маротаба белгилаб принциплар талабларига мувофиқ келмайдиган жазо турлари чиқариб ташланди.

Кодекснинг 1994 йилги таҳририга кўра, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкинлиги белгиланди:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамоқ;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) ўлим жазоси.

Шунингдек, унда маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ҳамда мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкинлиги қайд этилди.

Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш мақсадида 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан

⁶ Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 18.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши жамиятни демократлаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан жиноят-ҳуқуқий сиёсатдаги фундаментал демократлаштириш даражасидаги янги босқичи бошланганлигини қайд этиш жоиздир.

Жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида жиноят қонунчилиги доирасидан четга чиқувчи қатор вазифалар қатори озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгайтириш ва айрим жазоларни ЖКдан чиқариб ташлаш муваффақиятли равишда ҳал этилди.

Жумладан, жазолар тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқариб ташланди. Жиноятлар таснифининг ўзгариши ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, судларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгроқ қўллаш имкониятини яратди. 2001 йилда 7,2 % маҳкумларга жарима жазоси тайинланган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 16,9% ни ташкил этди. Бу муддат ичида ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш 21,5% дан 37,1% фоизга, шартли ҳукм қилиш эса 7,9% дан 10 % га ошди. Бу билан бирга қамоқ 1.3%дан 0,9 %га ва озодликдан маҳрум қилиш қилиш 39,7% дан 30,9% га камайди⁷.

Шунингдек, 2007 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни⁸ қабул қилиниши муносабати билан 15, 43, 50, 51, 58, 59, 60, 64, 69, 73, 76, 97, ва 155-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2008 йил 1 январдан бошлаб мазкур жазо тури умуман жазолар тизимидан чиқариб ташланиб, ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланила бошланди. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида инсонпарварлик принципининг амал қилишининг олий ифодаси эканлигидан далолат беради.

2008 йил 10 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига⁹ мувофиқ, Жиноят кодекси 44-моддаси янги таҳрирда баён этилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда Жиноят кодекси 58-моддасига ҳам қўшимча иккинчи қисм киритилди. Унга кўра жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги кераклиги ҳақидаги норма киритилди.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди жорий архиви 2000 -2010 йилларга.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда.

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 94-модда.



Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 44-моддасининг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонунига асосан қуйидагича ўзгартирилди. Жумладан, “Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади¹⁰”.

2015 йил 11 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг¹¹ қабул қилиниши натижасида Жиноят кодексини жазолар тизимига янги (481-модда) *озодликни чеклаш* жазоси пенализаци қилинди. Мазкур нормага мувофиқ озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир.

Бундан ташқари, ЖКнинг 43-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонунига асосан “б¹” банд билан тўлдирилди¹². Яъни, ЖКга қамоқ жазосининг ўрнига “мажбурий жамоат ишлари” жазоси киритилди.

ЖКнинг 47-моддаси иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонуни асосида тўлдирилди. Жумладан, хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин¹³.

¹⁰Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон).

¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 425-модда.

¹² 43-модда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонунига асосан “б¹” банд билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда.



ЖКнинг 48-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонунига асосан ўз кучини йўқотиб, кодексдан чиқариб ташланди¹⁴.

ЖКнинг 48¹-модданинг иккинчи қисми ва 50-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонунига асосан тўлдирилди.

Хулоса сифатида, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг тарихий жиҳатларини таҳлил қилиш асосида, бу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1) шариат қоидалари жорий этилгандан Чор Россияси истилоси давригача бўлган давр: бу даврда тўлиқ шариат қоидалари амалда бўлган, озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазолар шариат қоидаларида амалда бўлган жазолар эди;

2) Чор Россияси истилосидан 1926 йилгача бўлган давр: бу даврда шариат қоидалари ва Чор Россияси декретлари бараварига амалда бўлган;

3) 1926-1994 йиллар: ушбу даврларда иккита ЖК амалда бўлган бўлса-да, давлатда инсон кадр-қимматини камситувчи айрим жазо турлари ҳам амалда бўлган;

4) 1994-2001 йиллар: 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги ЖК қабул қилиниши муносабати билан кўплаб жазолар жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланди, жиноий жазо тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди;

5) 2001-2014 йиллар: ушбу давр: жиноят қонунини либераллаштириш сиёсати давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жиноий жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш жазо чиқарилди, жиноий жазоларни тайинлаш механизми ва амалиётида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга алоҳида эътибор қаратилди;

6) 2015 йилдан кейинги давр, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига озодликни чеклаш жазосини киритилиши, қамоқ жазосини депенализация қилиниши ва унинг ўрнига мажбурий жамоат ишларини киритилиши ҳамда бошқа либераллаштириш жараёнларини ўз ичига қамраб олади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда.